

Хинди斯顿нинг Калонжар вилоятининг ўрдохи Нанда кўргони жангсиз таслим бўлгач, Султон Махмуд Газнавийнинг обрўси янада ошиб кетди: у пойтахтга уч юз жангари фил, хисобсиз инъом-эхсон, бойлик билан кайтди. Кон тўкмай, хеч кандай талафотсиз бой бир вилоят кўлга киритилиши пойтахт Газнада катта байрам килинди. Султон саройида яrim тунга кадар базму тараб авжига минди: созандалар куй додини бердилар; раккослар жасорат ўйинларини ижро этдилар; касидагўйлару газалсаролар янги асарларини басма-бас ўкишди. Малик-уш шуаро Абулхасан Унсурий машхур “Зафарнома” касидасини пешкаш этди. Унда Султон Махмуд Газнавий Хинди斯顿ни забт этиш йўлида олиб борган жангу жадал кунма-кун, йилма-йил батафсил юксак балогат ва фасоҳатда тасвиранган эди. Барча сомеълар асарни Султон Махмуд зафарларининг солномасидек таърифлаб нафосатини алоҳида таъкидлашди. Касида Султонга хам хуш ёқди шекилли, шоирни олкишлади. Зафар базми кок яrim тунда тугади. Хобгохига сархуш холда кайтган Султон Махмуд донг котиб ухлаб колди.

– Ўглим, Нанданинг сулх хакидаги номасини кабул этиб, кўп яхши иш килдингиз. Жангжўйликдан кўра, сулхпешалик подшонинг олижаноб фазилатидир. Мардум конини бекорга тўкилишининг олдини олиб, кучган улкан зафарингиз тангри ризолиги учун муборак бўлсин! Лекин, ўглим, нега кўпдан бери Мехнани унутдингиз, Харракон йўлини тутмай кўйдингиз? Ахир, улар бизни шарафлашмокда-ку!? Сизни хамиша дуои хайр билан эслашмокда...

Султон Махмуд отаси Сабуктегин айтган бу сўзлардан сесканиб турди. Туши экан. Дарчадан ташкарига караган чог, муаззин овози эштилди. Демак, тонг отмокда... Султон Махмуд тахорат олиб, бомдодни ўкиди. Сўнг вазир Маймандийни чорлаб фармон берди:

– Аёз ва сарбозларга айтинг, йўл тадоригини кўришсин, нонуштадан сўнг Мехнага жўнаймиз.

Вазир Маймандий хозирлик ишларига бош-кош бўлди. Хазинадан хамёнлар, нихоят, хар эҳтимолга карши шикорий куроллар, саратоний соябонлар гамланди. Катта лашкар кузатувида гурух йўлга чиқди. Икки кеча-кундуз йўл юришди: тоглар ошишди, дарёларни кечишди. Олдиндан жарчилар сафар хакида маълумот етказиши учун вилояту кишлок йўлларида халқ подшони олкишлади: кексалар кўлларини кўксиларига кўйиб дуо килишди; ёш-яланлар чапак чалиб кийкириб кузатишди. Ва нихоят хамрохлар кўп манзиллардан ўтиб, Хомаварон даштига етиб келишди. Шу ерда кузатучиларга рухсат берилди ва ўн чавандоз даштга караб от сурди. Тушга якин сахро бикинидаги Мехнадан чикишди. Кишлокка кираверишда Даромадгоҳ мусофирихонаси – карvonсарой бўлгич эди. Султон Махмуд етти хамрохни шу ерда колдириб, Маймандий ва Аёз билан кишлок бўйлаб айланди. Тош ёткизилган шох кўчадан боришар экан, кўпгина уйлар ягона низомда, гоятда кўркам, аксарияти чўпкори-синчкори усулида курилганини кўриб, хайратга тушишди. Барча ховлиларда икки-уч табакали ўймакорлик билан ишланган, турли накшу нигор билан зийнатланган, мойланганлиги учун ялтираб турган дарвозалар. Чапдаги дарвозада Султон Махмуд филларининг ганим устига бўрондек хужуми тасвиранган; ўнг томондаги бир дарвоза табакасига эса, зафар нашидасидан хурсанд Султоннинг фил устидаги тахти равонида викор билан ўтиргани акс этган эди. Дўйстлар ёғоч ўймакорлиги усулида бажарилган бу санъат асарларини томоша килиб, хайрат бармогини таажжуб дандони билан тишлаб колдилар. Шу пайт, Султон Махмуд бир

дарвоза олдида тўхтади. Ундаги накшда куръон ўкиётган Султон тасвиirlанган эди. Иттифоко, ўша дарвозадан бир йигитча чикиб салом берди. Алик олгач Султон Махмуд йигитга мурожаат килди.

– Бу накшлар кимнинг амалидир?

– Буларни Бобу (Бобулхайр демокчи – X.X) ўз пичоклари билан ясаганлар, – жавоб берди йигит.

Султон тушида отаси Сабуктегин айтган гапни эслади: улар бизни шарафламоқдалар!

– Бобу каердалар? – яна сўради Султон.

– Бобу ўлганлар. Дадам Абусаид Нишопурга кетганлар, – таъкидлади йигит.

– Бунга бир хамён беринглар! – буюрди Султон.

Аёз такимидағи хуржундан бир хамён олди-да, йигитнинг кўлига отмокчи бўлди. Шунда Султон кўли билан “тўхта!” деган ишорани килди-ю, халтани йигитга ўзи узата туриб деди:

– Буни ол, бобонгга яхши ёдгорлик куринглар.

Хомаварон чўлида хозир хам кад ростлаб турган Бобулхайр макбараси ана шу маблагга курилганини хали-хали эслашади.

Шундан сўнг дўстлар Мехнадан чикиб, Харраконга караб йўл олдилар. Чўл ёкала бешинга якин кишлокка кириб келишди. Султон таширифи хакида овоза таркалгани учун бутун халк кўчага калкиб чиккан эди. Мехмонлар Шайх Абулхасан Харраконий кулбаси сари боришли. Хизматкор Шайхга Султон келганини етказди.

– Айт, номахрамлар хонадонимга йўламасин, Султон ўзи кирсин, – деди Харраконий.

Вазир Маймандий билан Аёз кўчада колиб, Султон ичкарига кирди. Шайх Султонни ўтирган жойида кутиб олди: кўл беришиб кўришдилар. Ўзаро сухбат узок давом этди. Куръони каримни тафсир этган Султон Махмуд кўп оятлар сехрини янгитдан сўраб билди. Хатто Мансур Халлоҳ ақидаси хакида гоят асосли жавоб олди. Гап орасида Харраконий: “Сизнинг сулхпеша бўлганингизни эшитиб, хаккингизга дуо килдик”, – деб кўшиб кўйди. Шунда Султон Махмуд кўйнидан олтин тўла бир хамён чиказиб узатди.

Аммо у:

– Биз бойликни азалдан тоабад талок килганмиз, – деб олмади.

– Ундей бўлса, устоз, бизга бирон муносиб эхсон ёки дуойингиз йўкми? – деди Султон.

– Иллоҳо, оқибатингиз махмуд бўлсин, – деб юзига фотиха тортди ва кўрпача остидан эски хиркасини чиказиб берди. Мехмон уни юзига суртди-да, аста тахлаб кўлтигига тикиди.

Султон кетишига изн сўраб ўрнидан турди. Шайх хам жойидан кўтарилиб, кўча эшиккача кузатиб кўйди. Маймандий билан Аёз кўл ковуштириб таъзимда турарди. Шунда Султон Шайхдан сўради.

– Мухтарам устоз! Биз келганда пешвоз чикмадингиз, хатто ўрнингиздан кўзгалмадингиз. Энди бўлса, бизни кузатиб кўймоқдасиз. Буни кандай тушуниш мумкин!

– Камина даргохига кадам ранжида килганингизда сиз Султон эдингиз, энди эса дарвеш бўлиб кайтаяпсиз, – жавоб берди Шайх.

Хамроҳлар хайр-хўшлашиб, отларининг жиловини Даромадгоҳ карvonсаройига караб бурдилар.

Бир кеча Хиндиё хамда Фарокин номли донишмандлардан Авесто бўйича таълим олган ёш подшох Кисро Анушервон туш кўрибди. Тушида гўзал бир оху саройга кириб келиб, подшо кўлидаги жомни олиб, бир култум шароб симирибди-да, жомни улоктириб-синдириб, кўздан гойиб бўлибди.

Тонг сахарлаб зўр донишмандларни йигиб, туши таъбирини сўрабди, хеч ким жавоб беролмабди. Охир-окибат шох бир неча кунга мухлат берибди. Бирон-бир уламо таъбирлай олмабди. Шундан сўнг, подшох чечан ва сўзамол одамларни йигиб, кўлларига бир лагандан олтин бериб дебди:

– Бутун мамлакатни айланиб, жар солинглар. Кимда-ким тушим таъбирини айтса, бошидан шу зарни сочинглар.

Ходимлар турли вилоят, шахару кишлокларга боришибди. Сўрашибди, суриштиришибди. Аммо подшох тушини таъбирловчи бирон донишмандни учратишмабди.

Анушервоннинг Озодсарв деган надими бўларди. У кўп шахарларни айланиб, охири Марвга бориб, зодагонларга муддаосини изхор этибди. Шунда улардан бири:

Гулафшон гузарида бир авестохон муаллим йигитча бор. У гўдакларга Зенд Авестодан дарс беради. Туш таъбирини ўшандан бошка киши айта олмаса керак, – дебди.

Озодсарв донишманд йигит хузурига борибди.

– Бу масалада билимим ожизлик килади. Аммо менга Авесто ёрдам берса керак, – дебди. Кечкурун у Авестони ўкиб караса, тушига кирган оху эр киши бўлади. У шаробни тўла ичса, ўлдиришади, ярим ичса, сог колиши мумкин, деб ёзилган экан. Эртаси куни муаллим йигит Озодсарвга:

– Туш таъбирини факат шохнинг ўзига айтаман, – дебди.

Икковлон яшин тезлигига ярим кечада пойтахт Мадойинга етишибди. Эртаси куни Озодсарв йигитни саройга бошлаб борибди. Подшох тушининг тафсилотини баён этибди.

– Шохим, саройингизда нечта канизак бор? – сўрабди йигит.

– Етмишта пари-пайкарим бор, – жавоб берибди шох.

– Ана шу канизаклардан бири эркак киши бўлиши керак, – таъкидлабди муаллим.

Анушервон ханг манг бўлиб колибди.

– Буни кандай билиш мумкин?

– Эрта тонгда барча канизакларни таҳт пойидан бир-бир ўтказасиз, юришидан аниклаймиз, – дебди йигит.

– Эртаси куни шундай килишибди. Аммо канизаклар хиромидан кайси бири эркаклиги билинмабди.

– Энди, шохим, бўлар иш бўлди, – дебди йигит. – Тонг сахарда сиз таҳtingизга чикиб ўтирангиз, мен ёнингизда тураман. Канизакларни эса биттадан ички либосда хузуримиздан ўтказишсин.

Одатда канизаклар бир хонада икки кишидан яшашаркан.

Хуллас, Мохрўйи Чочий деган канизакнинг хамхонаси ёш йигит бўлиб чикибди.

Подшох газаб билан “Бу не хол” – деб сўраган экан, канизак жавоб берибди.

– Бу йигит – менинг акам. Онамиз – бир, отамиз – бошка. Усиз мен хаётимни тасаввур этолмасдим. Шу боис уни машшоталар оркали киз суратига киргизиб, ўзим билан бирга олиб келгандим...

– Энди бу кўрнамаклар такдири нима бўлади? – сўрабди таъбирчи йигитдан Анушервон.

– Агар оху шаробни тўла сипкариб, кадахни улоктирган бўлса, жазолари ўлим, – дебди донишманд йигит.

Окибатда, йигит билан кизни ўз хоналарида осиб ўлдиришибди.

Подшо тушини таъбирлаб, Моҳрӯйи Чочий сирини очган ўн етти яшар донишманд кейинчалик Анушервон давлатининг мустахкам устуни бўлган, Шарқда адолатли вазир рамзига айланган Бузружмехр эди.

Яшил рангли соз

Шарқ касбий мусикасининг асосчиси Борбад Нарвазий (XI аср) хакида халк орасида кўп хикоят ва накллар таркалган, шахси афсонларга айланган. Биз Борбад хакидаги икки наклни шогирдлари тилидан хикоя килдик.

Ростини айтсам, Борбад сафимизга келиб кўшилган кундан бошлаб тинчим йўколди. Калбимда аллакандай гашлик пайдо бўлди. Зероки, у фавқулодда сохиби хофиз, бастакор сифатида кундан-кунга ўзини кўрсата бошлади. Ўзи шеър ёзиб, куй басталар, табиат эхсон этган ноёб овоз билан ижро этар эди. Мартабам, обрўйим кўлдан кетаётган, хар сонияда у ўрнимни олиб кўяётгандек туюларди. Шунинг учун, саройдаги хос базмларга Борбадни якинлаштирмасликка, Хусрав хузурида ўз санъатини намойиш этишига йўл кўймасликка интилдим.

Бахор кунларидан бирида Хусрав аъёни давлат, муваккилони мамлакат иштирокида Фирдавс отлиг богида гул сайри, шеъру соз базми ўтказадиган бўлди. Жиддий тайёргарлик, машклардан сўнг бир гурух созандаю хофиз билан бокка жўнайдиган бўлдик. Борбад хам базмда иштиrok этишни жуда-жуда истади. Хатто ёлворди хам. “Хали ёшсан. Бунча шухратпараст бўлмасанг? Ё эхсон истайсанми?” – дедим-да, учта тилло танга бериб жўнаб кетдим.

Бог сайри, гул гаштидан сўнг сарвзор ўртасидаги муҳташам кўшкка тўпландик. Шеър бахси, созу овоз жаранги кўкка ўрлади. Бир тарафда раккослар Борбад янги ўргатган раксни киёмига етказиб ўйнамокда эдилар. Айвон тўридаги шохсупада Некисо Чанги бошчилигидаги машшоклар куй додини беришмоқда. Шу пайт, айвон ёнидаги сарвлар орасидан бир куй тарапди. Кўтаринки, шодиёна руҳдаги бу куй шу даражада ёкимли, сехрли эдики, бутун табиат гўзаллиги унда мужассам дейсиз. Бир сонияда йигилганлар оғзи хандаю шўхликдан, созандалар тори ноладан, раккослар оёги хиромдан колди. Куй авж нуктасига етгач, аста-секин пасайиб майсазорлар узра ёйилиб, сарвлар ичига гарк бўлди.

Хусрав ишораси билан уч киши сарвзорга юурдик. Не кўз билан кўрайким, дарахтлар ичидаги ям-яшил ўтлар устида майсаранг либослар кийб олган Борбад ўтирганди. Хатто кўлидаги сози хам яшил рангда эди. Кўлтигидан олдим-да, кўшк томон етакладим. Хамма уни хушвакт пешвоз олди. Мен хам таъзим килдим. Сарвлар орасидан тараплан оханг устида бахс бўлди. Хамма бир оғиздан куйда табиат кўрки, файзу таровати жозибали,

мукаммал акс этганини таъкидлади. Хусрав Борбад этагини дурру жавохирга тўлдирди. Куйни “Сабзи андар Сабз” деб атадилар. Шу кундан Хусрав Борбадни ўрнимга сарой санъаткорларининг бошлиги этиб тайинлади. Мен дахоси олдида бosh эгдим ва бир умрга шогирдликча колдим.

Маълум бўлишича, “шухратпараст” деб уч танга беришим Борбад иззат-нафсиға теккан экан. У тўгри уйига бориб, баҳор манзарасига ўхшатиб майсаранг либослар кийибди, барабатини хам яшилга бўябди. Сўнгра бօғбон Бомдуй хузурига келиб, шу кунги базм пайтида бокка киришга рухсат сўрабди. Борбад санъатининг чин мухлиси Бомдуй ижозат берган экан...

Устоз калби

Баҳор ойлари эди. Биз бир гурух машшок билан Исфахонда Наврӯз тантаналарида иштирок этиб, ўз куй ва кўшикларимиз билан халк сайлига файз багишлаб юрар эдик. Иттифоко, Хурав ўғли Шеруя томонидан ўлдирилганини эшитдик. Мен яшин тезлигига Мадойинга этиб келдим. Лекин, хайҳот, кечикибман. Аллакачон Хусрав дафн этилганди. Саройдаги алгов-далгов хакида дув-дув гап. Пойтаҳт одамни тутиб ейман дейди. Кўхна ошнолардан хеч кимни топа олмадим. Хамма зада кушлардай тумтарақай бўлган.

Охири ўзимни кўлга олдим-да, тўгри устозим Борбад ховлисига караб юрдим. Келдиму кўзларимга ишонмай донг котиб колдим. Эвоҳ, бу кандай кўргулиқ. Эй фалак, бу не бедодлик! Нахот, шундай кошона кулини кўкка совурсанг! Кандай куч билан бакирганимни билмайман. Кўз ўнгим коронгулашиб, бошим айланана бошлади.

Гандираклаб култепаларни айландим. Хамма нарса куйиб, хоку туроб бўлган эди. Кечга якин кўни-кўшилардан устозимни сўрокладим. Бир- икки йўловчи бозор бошида девонавор айланиб юрганини, дарвешлар жандасини кийиб олганини айтди. Шундан сўнг, шахар четидаги карvonсаройлар ва дарвешхоналардан кидирдим. Ва нихоят, бир хужрадан топдим. Эшикдан киришим билан бурчакда ўтирган Борбад ўрнидан турди. Шамшоддек комати дол, аргувондек рухсори заъфарон бўлган. Багрига отилдим, ота-боладек бир-биримизни кучиб саломлашдик. Навбат кўл бериб кўришишга келганда, кўлим олдинги ипакдек майнин, хамиша оташдек иссик кафтларга эмас, аллакандай каламланган, совук новдаларга теккандай бўлди. Бир сесканиб тушдим. Карасам, хар икки кўлининг бosh ва кўрсаткич бармоклари тагидан кесилган, ўрни корайган ва буришик эди. Кўларимдан тиркираб ёш чикиб кетди. Томогимга аччик нарса тикилиб келарди: “Нахотки куйга сункасад килган бўлсалар?! Нахотки!”

Накл этишларича, устозим тонг-сахарда Хусравга сункасад килинганини эшитиб, саройга чопибди. Хос хонасида конга беланиб ётган хомийсини кўриб зор-зор йиглабди. Ўзи ювиб-тарабди, дафн маросимида бош-кош бўлибди. Шохона макбарага элтиш йўлида машхур “Хусравони” куйини чалиб борибди. Хомийсини ўз кўли билан лаҳадга кўйибди. Дафн маросими гарибона бир тарзда ўтибди. Устоз назарида маърифат ва адолат офтоби сўниб, дунёни зулмат эгаллагандек бўлибди. Диёнат ва урфон, санъат ва нафосат оламини жаҳолат олами коплабди. Бундай хаётга лаънат ўкиб, бу дунёдан бosh олиб кетгиси келибди. У макбара ёнидан тўгри уйига келиб, аввал созини

синдирибди, сўнгра бармокларини болта билан чопибди, кейин уйига ўт кўйиб дарвешона хаёт кечиришни ихтиёр этибди.

Мен устозимни уйимга элтмокчи бўлди. Аммо у ўз кароридан кайтмади. Деярли хар куни олдига келиб турардим, ёлгизлатиб кўймасликка интилдим.

Шахар хамон алгов-далгов, сарой нотинч эди. Хамма ёкни айгокчилар, галамислар босган. Хусрав вафотидан олти ой ўтгандан сўнг, фитначилаr Шеруяни хам ўлдириб кетишиди. Отасини ўлдирган фарзанд шохликка ярамайди, яраса хам олти ойдан нарига ўтмайди, деган куйидаги хикмат ўшандан колган:

Падаркуш подишохиро нашояд,
Агар шояд, зи шашмохе напояд.

Кунлардан бир кун келиб устозни дарвешлар кулбасидан топа олмадим. Марвга кетиб колибди. Орадан кўп ўтмай вафот этгани хакида хабар келди. Ха, мункайиб колган мўйсафидни ватан хоки меҳри тортган экан... Бориб кабрини зиёрат килиб кайтдим.